

# Жорий таъмирлашга оид шартнома

Лот № 22110012088630

31.05.2022 йил

01-сон

Узун тумани

Саидабону Нодирбек ф.х кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида раҳбари Раҳманов С.М номидан, бир томондан Узун туман Ободонлаштириш бошқармаси кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари Б.Тураев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета ҳужжатларига асосан Узун тумани Хужакулсин МФЙ га олиб борувчи йўлни жорий таъмирлаш ишлари (кейинги ўринларда - «Ишлар» деб юритилади) ишларини бажариш, «Буюртмачи» ушбу «Ишлар» ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Ишлар» нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни курсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич Нархи	Шартноманинг умумий Қиймати (битим суммаси)
1			
	Жами (ҚҚС сиз)	921500000	920000000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС сиз 920000000 (туккиз юз йигирма миллион) сўми ташкил этади.

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: “31” май 2022 й.  
Тугаши: “30” июль 2022 й.

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. «Бажарувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи» дан «Ишлар» «Буюртмачи» нинг ҳисобига транспорт даташилганда транспорт харажатларини қоплаш талаб қилиш;

2.1.3. «Бажарувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсондалолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Ишлар» курсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» курсатилган тақдирда ўз танлашига қўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» шунга ўхшаш «Ишлар» билан алмаштирилишини;

- «Ишлар» нинг камчиликларини бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда қайта тегишли талаб қилиш;

2.1.5.

Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлигини таъкидлаётган зарар қоплашини «Бажарувчи» дан талаб қилиш.

### 2.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича курсатилган «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

### 2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Курсатилган «Ишлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомасига мувофиқ курсатилган «Ишлар» ни қабул қилиш асосидан рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини «Буюртмачи» дан талаб қилиш.

### 2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» га «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда курсатиш;

2.4.2. Агар «Ишлар» ни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни \_\_\_ кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

### **3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартномаинг баҳоси ҚҚС сиз 920 000 000 сум бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади. Бажариладиган «Ишлар» нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган «Ишлар» учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Бажариладиган «Ишлар» учун олдиндан тўлов миқдори 30% ни ташкил қилади, қолган 70% бажариладиган «Ишлар» 30 кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўланади.

### **4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Ишлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Ишлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда «Ишлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Ишлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Ишлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Ишлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган «Ишлар» бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган «Ишлар» ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Ишлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Буюртмачиларнинг буюртмапомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтариини юритади. Буюртманома «Ишлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Ишлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Бажарилаётган «Ишлар» сифати, ҳажми «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» бажарилаётган «Ишлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган «Ишлар»нинг сифати, ассортиментини, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Ишлар» қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. «Ишлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Ишлар»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Бажарувчи» «Буюртмачи»га «Ишлар» бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган «Ишлар» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Ишлар» бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган «Ишлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-

ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан контракция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. «Бажарувчи»нинг айби билан контракция шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўллапилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонида қопланади

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

6.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

6.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

6.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 6 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

7.2. «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни қафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, «Етказиб берувчи»нинг коррупция қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасиининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо- саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

8.3 Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар истеъмолчи бюджет ташкилоти бўлса, бунга қушимча равишда Ўзбекистон республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан руйхатдан утган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 – декабргача амал қилади.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

### Пудрагчи:

«Саидабону - Нодирбек» фермер хужалиги

Манзили: Узун туман Файзова КФЙ

Оқтумшук маҳалласи

Ҳисоб-китоб рақами 20208000600426268001

СТИР 303173771 МФО 00745

Банк: АТБ Халк банки Узун туман ф.

Раҳбар:

Раҳмонов С.М

### Буюртмачи:

Узун тумани Ободонлаштириш

бошқармаси

Манзили: Узун тумани Ўзбекистон кучаси 5 уй

Ҳисоб-китоб рақами

401722860222217045204118004

СТИР 205762278 МФО 00014

Банк;Марказий банк Тошкент ш.ХККМ

Газначилик х/р 23402000300100001010

СТИР 304122919 МФО 00014

Раҳбар

Б.Тураев



## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi "Shartnoma"

2.Loyihaning nomi "Xizmat ko'rsatish shartnomasi"

**Saidabonu Nodirbek f.x** keyingi o'rinlarda «Bajaruvchi» deb yuritiladi o'zining Nizomi asosida rahbari **Raxmanov S.M** nomidan, bir tomondan Uzun tuman **Obodonlashtirish boshkarmasi** keyingi o'rinlarda «Buyurtmachi» deb yuritiladi o'zining Nizomi asosida ish yurituvchi rahbari **B.Turaev** nomidan, ikkinchi tomondan mazkur shartnomani shartlarini bajarilishi to'g'risida

Shartnomaning umumiy summasi QQS siz 920000000 (tukkiz yuz yigirma million) so'mni tashkil etadi.

Asos:31.05.2022 yil tuzilgan Xo'jalik shartnoma.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va umi qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshyuristkonsulti



M.Minkulov.

31.05.2022 yil.

---

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 88630 на приобретение Узун тумани Хужакулсин МФЙ га олиб борувчи йулни жорий таъмирлаш ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 27.05.2022

Время рассмотрения 27.05.2022 16:44

Конкурсная комиссия Узун туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	TURAYEV BOBOSHER ABDUMUMINOVICH	boshqarma boshlig'i	uzun tuman obodonlashtirish boshlig'i
<b>Секретарь комиссии</b>	BURONOV ABDUNABI SALIMOVICH	muxandis	uzun tuman obodonlashtirish hoshqarmasi
<b>Член комиссии</b>	RAXMANOV KAMOLIDDIN KOSIMOVICH	bosh muxandis	uzun tuman obodonlashtirish boshqarmasi
<b>Член комиссии</b>	BOBOYEV MAMARASUL RAXMANOVICH	bo'lim boshlig'i	uzun tuman obodonlashtirish boshqarmasi
<b>Член комиссии</b>	RASULOV JAMSHID BAZAROVICH	mexank	uzun tuman obodonlashtirish boshqarmasi
<b>Член комиссии</b>	JOVG'ASHOV ORIFJON RUSTAMOVICH	muxandis	Uzun tuman obodonlashtirish boshqarmasi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.05.2022 года № лота 88630.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по ремонту и содержанию автомобильных дорог</b>
Подробное описание	Узун тумани Хужакулсин МФЙ га олиб борувчи йулни жорий таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	921 500 000.00
Стартовая сумма	921 500 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этувчи ташкилот хакида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этувчи ташкилот хакида умумий маълумот Гувохномаси, СОҲАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИда автомобил йуллари ва куприкларда рейтинг курсаткичи мавжудлиги.Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар).Ишлаб-чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП UZUN TUMAN YO'LLARDAN FOYD	25	25	23	Экспертная		
SAIDABONU-NODIRBEK EX	25	25	25	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: "Иштирокчининг банкидан картатека йуклиги хакида маълумот, Солик органларида солиқдан қарзи йуклиги тугрисида тасдиқланган маълумот, Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП UZUN TUMAN YO'LLARDAN FOYD	25	25	23	Экспертная		
SAIDABONU-NODIRBEK EX	25	25	25	Экспертная		

Критерий №3 Машина ва механизмлар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади).Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП UZUN TUMAN YO'LLARDAN FOYD	25	25	23	Экспертная		
SAIDABONU-NODIRBEK EX	25	25	25	Экспертная		

Критерий №4 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: "Охириги 3 йил давомида Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошланғич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. Танлов савдодагига ўхшаш профил буйича охириги йили ўз кучи билан бажариш. "

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП UZUN TUMAN YO'LLARDAN FOYD	25	25	23	Экспертная		
SAIDABONU-NODIRBEK FX	25	25	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
УП UZUN TUMAN YO'LLARDAN FOYD	921 500 000.00	921 500 000.00	26.05.2022 19:48:13*	9.98
SAIDABONU-NODIRBEK FX	921 500 000.00	920 000 000.00	26.05.2022 19:57:51	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
УП UZUN TUMAN YO'LLARDAN FOYD	82.8	9.98372	92.78372
SAIDABONU-NODIRBEK FX	90	10	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 88630 от 27.05.2022 года на приобретение Узун тумани Хужакулсин МФЙ га олиб борувчи йулни жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

SAIDABONU-NODIRBEK FX  
303173771

и резервный исполнитель: УП UZUN TUMAN YO'LLARDAN FOYD (200505045)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	JOVG'ASHOV ORIFJON RUSTAMOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	TURAYEV BOBOSHER ABDUMUMINOVICH	Согласен	
Член комиссии	RAXMANOV KAMOLIDDIN KOSIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBOYEV MAMARASUL RAXMANOVICH	Согласен	
Член комиссии	RASULOV JAMSHID BAZAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП